



Мақсадимиз аниқ

Ижтимоий адолат ва тенглик

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 47-48 (682)
2019 йил
6 декабрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz jamiyatgzt@mail.ru

Хонадонимиздаги

Реклама

ВИРУСИ



Табиат бу — табиий неъмат

Талаба бўлармикинман?

Рақобатни деб, ўзлигимизни йўқотмайлик!



Фирибгарликнинг чегараси борми?



Содда қишлоғим!

ҚИСКА САТРАЛДАРДА ўқинг!

Сайлов кунига қадар ёки шу куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ

Бугун юртимизда эътиқод эркинлиги, ҳақиқий миллий қадриятлар, улардаги динийлик ва дунёвийлик нисбати қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида турли-туман фикрлар билдирилмоқда. Ўзбекистонни ислом республикасига айлантириш, турмуш тарзини, ижтимоий муносабатларини шариат талабларига мослаштириш тарафдорлари ҳам йўқ эмас.

Ўз турмушини онгли ташкил этиш, турли режалар тузиш, орзу-ҳавасларига кўнгли ва тафаккурига мос яшашга, коммуналлик интилиш инсоннинг сох белгиси. Унинг нафақат моддий-иқтисодий, шунингдек, маънавий эҳтиёжлари ҳам бор. Инсон маънавиятининг ўзагини эса эътиқод ташкил қилади. Маънавият эътиқод тоғарида шаклланади. Маънавиятнинг мазмунини энг муҳим хусусиятларини эътиқод белгилайди.

Инсоннинг барча туйғулари, кечинмалари ёки барча амал қиладиган ғоялари, меъёрлари, қарашлари маънавият бўлиб қолавермайди. Туйғулар орасида нафс ва ҳирс, жаҳл ва қизиққонлик туйғули юзага келганлари, тушунчалар, ғоялар, баҳолар, фикр, мулоҳазалар, ҳулосалар орасида илмсизлик, алашиш, ҳато, нотўғри ахборот сабабли вужудга келганлари бўлиши мумкин. Хом сут эмган бандаси алашишлардан, хатолардан қафолатланмаган. Ботил туйғулар ва фикрлар эса маънавият ҳисобланмайди. Жаҳолат, золимлик, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик, нафс ва ҳирс қутқусига берилш, зўравонлик орқали ҳамгани бир хил ўйлашга, бир хил яшашга мажбурлаш маънавиятсизликдир.

Ҳар қандай адолатпеша жамият, у дунёвий бўладими ёки диний, қатъий назар, ўз аъзоларини ҳалол, тўғрисиёз, одоб-ахлоқли, имон-эътиқодли этиб тарбиялашни хоҳлайди. Бунга қанчаллик эриша олади — бу бошқа гап!

Эътиқод эркинлиги икки хил намоян бўлади. Биринчиси инсоннинг ички эркинлиги, тафаккур ва ижод эркинлиги, яъни позитив (ижобий) сай-ҳаракат ва фаолит эркинлиги сифатида юзага чиқади. Иккинчиси ташқи эркинлик, яъни эътиқод эркинлигини амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий асослар, қонунларнинг давлат томонидан қабул қилиниши ва қафолатланиши, жамиятда қарор топган хайрихоҳлик муҳити каби эркинликлар.

Эътиқод эркинлиги учун зарур шарт-шароит яратиш, уни ҳимоя қилиш адолатли жамиятнинг талабларидан биридир. Зеро, у инсон имкониятлари ва эркинлигини юзага чиқаришнинг ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий ва интеллектуал негизини ташкил қилади. Шу сабабли демократик дунёвий давлатларда эътиқод (виждон) эркинлиги, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги конституция ва тегишли қонунлар орқали мустаҳкамлаб қўйилади.

Фақат дунёвий давлатгина эътиқод эркинлигини тўла таъминлашга қодир. Чунки у, аввало, сиёсий партияларда ва диний жамоалар ички ишига аралашмайди, шунингдек, бирор партия ёки дин манфаатларини кўзлаб, бошқа сиёсий ва диний жамоалар фаолиятини бевосита ёки билвосита чекламайди. Собиқ СССР давлатида коммунистик

принципларга мос келмайдиган мафкуралар тақиқланган ёки чекланган эди.

Яккахоким мафкура мавжуд бўлган давлат ҳеч қачон эътиқод эркинлигини таъминлай олмайди. Мафкуранинг яккахокимлиги, одатда тоталитаризмга, жамият аъзолари фикр-ўйлари, сўзлари ҳаракатлари устидан ёппасига назорат ўрнатишга интилади. Диний принципларга қурилган давлат ҳам эътиқод эркинлигини тўла таъминлай олмайди, ҳаттоки, бутун аҳолиси бир мазҳабга оид бўлганда ҳам. Чунки унда ҳукмрон диний мафкура ўрнатилади.

Диний аҳкомларни, меъёрларни ҳамма бир хил тушуниши, чалғимаслиги, алашиб кетмаслиги талаб этилади. Бу эса диний догматизм кучайишига, бир дин доирасида ҳам ўзгача фикрларга тоқатсизлик вужудга келишига сабаб бўлади. Диний аҳкомлар жамиятнинг объектив талабларига мос ривожланмай, унинг тараққиёти йўлида тўсиқ ҳосил қилади. XII аср охирида «ижтиҳод эшикларининг ёпилиши», кейинчалик эътиқодий оқимлар (шавийлар ва суннийлар) ўртасидаги келишмовчиликлар ислом доирасида эътиқод эркинлигига катта зиён етказди. Бу аста-секин ислом мамлакатларининг тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Хўш, эътиқоднинг ўзи нима?

Эътиқод, луғавий мазмунига кўра, қатъий ишонч десмак. Бироқ эътиқоднинг луғавий эмас, атамавий (истилохий) мазмунини олсак, у жуда мураккаб тузилмага эга, кўпмазмунли тушунча эканига амин бўламиз. Эътиқод фақат диний мазмунга эмас, дунёвий, яъни нодиний мазмунга ҳам эга.

Диний мазмунда у асосан имонни, имон талабларига, дин фарзлари ва аҳкомларига оғишмай амал қилишни англатади. Дунёвий мазмунда эса муайян ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, илмий ғояларга, меъёрларга қатъий ишонч, уларга содиқликни, бутун куч-ғайрати, ақл-заковати, иродасини ҳалол яшашга сафарбар эта олиш, қийинчиликлардан қўчмаслик, ютуқлардан эсанкирамасликни билдиради.

Таркибий тузилма

Эътиқоднинг мазмунини биринчи гада илм ташкил этади. Чунки киши нимага ишонаётганини, интилаётганини, ўз ҳулқ-атворини, яратувчилик фаолиятини, ижодини мослаштириши заруриликни библиши лозим.

Эътиқод ҳар қандай билим (илм) эмас, балки қатъий ишончга айланган, инсон дунёқарашининг тамал тошини ҳосил қилувчи билим (илм)лардир. Бу илм диний ёки дунёвий ёхуд уларнинг маълум даражадаги қориниши бўлади, қатъий назар, эътиқоднинг мазмунини белгилайди. Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас.

Илми биз, тафаккур хусусиятларидан келиб чиқиб, рационал (ақлга

мантиққа хос) ва иррационал (ақлга, мантиққа унчалик мос келмайдиган) илмларга ажратамиз.

Авалло, инсон меҳнат ва ҳаёт тажрибаси, касб-кори ёрдамида рўзгор тебратиб яшаш, бошқа кишилар ва жамият билан турли-туман муносабатлар қуриши давомида ортгирин билимлари рационал (оқилона)лик касб этади. Пуч, ҳаёлпарастликка асосланган ёки сохта билим (илм)ларга таянган киши ҳаётдан кўп панд ёйди, рўзгорини ҳам дуруст эшлай олмайди.

Рационал илмнинг юксакроқ даражаси кундалик ҳаётий тажриба ёрдамида эмас, балки ўқиш, турли фанлар асосларини ўрганиш, ўз соҳасига оид фан ютуқларидан хабардор бўлиш орқали шаклланади. Иррационал илм аниқ далилларни ноаниқ, тахминий далиллар билан аралаштириб юбориш, баъзан ғайритабиий, хурофот ва билъят, мистика, ботил қарашлар ва бирёқлама муросасиз ҳиссиётга берилиш туйғули пайдо бўлади. Эътиқоднинг илғорлиги ёки қоққоқлиги, инсонпарварлиги ёки худбинлиги, либераллиги ёки тоталитарлиги ва бошқа қўллаб хусусиятлари унинг мазмунини ташкил этувчи илмга боғлиқ. Иккиланиш ва шубҳа билан қаралган илм эътиқод эмас. Илгари инсон қаттиқ ишонган тушунчаларга, ғояларга нисбатан ҳаётий тажрибаси, билими ортиши, илм-фан тараққиёти натижа-сида шубҳа туғилса, улар эътиқод мақомини йўқотди.

Эътиқоднинг яна талай унсурлари бор. Эътиқод муайян ғоялар ва қадриятларни фаол қабул қилиш, севиш, илҳос қўйиш, уларга юқорида таъкидланганидек, ўз фаолиятини, ҳаётини мослаштириш, содиқлик кўрсатишидир. Унинг негизида турувчи ишончнинг ўзи муайян ғоялар, таълимот, қадриятларга ижобий эмоционал (ҳиссий) муносабатдир. Бу ҳиссий муносабат, яъни ишонч ҳам рационал ва иррационал бўлиши мумкин.

Олимларнинг фикрига кўра, рационал ишонч шахснинг фаол ҳаракати, яратувчилигига таянади. Унинг негизида турган ғоя, таълимот, идеал тўғри ёки ҳато, ҳаётий ёки ҳавойи, ҳаёлий бўлиши мумкин. Лекин шахс унга сидқидилдан илҳос билан интилади, эришиш йўллари излайди, ижод қилади. Натижада у ўша мақсадга етолмаса ҳам, маълум самарага эришади, фаолияти исзис кетмайди.

Иррационал ишонч шахснинг ижодий пассивлигига, фармонбардорлигига, мутаассиблигига таянади. Бундай шахснинг тафаккури мустақил эмас, ўзгалар, обрўли кишилар фикрига қарам. Улар бошқаларнинг иродасига кўр-кўрона бўйсундилар, тўғри ёки нотўғрилигини, ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келишини ўйлаб ўтirmайди. Рационал ишонч ўз кузатишларига, мушоҳада ва ҳулосаларига асосланган тафаккур мустақиллигини, яъни эътиқод эркинлигини билдиради, деган эди XX асрнинг машҳур алломаларидан бири Эрих Фромм.

Ишончнинг, бинобарин, эътиқоднинг рационаллик ва иррационаллик мезонини тараққиёт заруратидан излаш керак. Ғоялар, меъёрлар, таълимотлар, умуман, илм тарихий тараққиёт талабларига, инсон ва жамият юксалишига қанчаллик мос келса, эътиқод, ишонч шунча рационаллик касб этади, амалий

самараси ижобий бўлади. Агар тарихий заруратга мос келмайдиган, ҳаётдан ортда қолган илмга қатъий ишонилса, илҳос қилинса, бундай эътиқод ижобий самара бермайди, ҳатто жамиятда, одамлар ўртасида турли заддиятларни келтириб чиқаради, тинч-тотув ҳаётга, миллий жипсликка путур етказида.

Илм эътиқоднинг ҳаётийлик мазмунини, ишонч эса унинг ҳаётийлик кучини ташкил қилади. Эътиқод дунёқарашнинг, бутун маънавият тизимининг ўзаги ўлароқ, инсоннинг борлиққа, ҳаётга муносабатини, ҳулқ-атвори, сай-ҳаракати, фаоллигини белгилайди. Фаоллик учун, айниқса, ижодкорлик учун фақат ишончга асосланган илм баъзан камлик қилади. Ижодкорлик ва самарали фаоллик ишончнинг илҳос ва ишқ билан бойитилишини тақозо этади.

Одатда, илҳос бирор ғояга, назарияга ёхуд санъат асарига, ижтимоий қадриятга, унинг муаллифи ёки тарбиячисига кўнгли қўйиш, интилишдир. Салбий назарга, ботил ғояга «кўнгли қўйиш», ҳатто, ижобий нарсага ахлоқийлик чегарасидан чиқиб, меъёридан ортқ интилиш асло илҳос эмас, у ҳирс, нафс, ёки мутаассиблик дейилади. Бировнинг таълимидеда кишида самарали, ижобий илҳос шаклланмайди. У шахснинг ўз мойиллиги, онгли ёки онгсиз эркин танлаши асосида қарор топади.

Сохта, вайронкор илҳос нотўғри тарбия ҳамда билими ва ҳаётий тажрибаси кам кишиларнинг таъовузкор тарғибот тузоғига тушиши оқибатида шаклланади. Лекин бундай кимсалар ҳам ботил ғояга интилишни, адасиша-да, ихтиёрий, эркин танлайдилар. Ҳақиқий илҳос кўнгли қўйган ғояси ва таълимотида ҳолис хизмат қилишни, зарур бўлса, бутун умрини бағишлашни, шахсий фойда, манфаат изламасликни англайди. Ҳар қандай гараз — у моддий бойлик орттириши, юқори лавозимдан умидворликми, қатъий назар илҳосни барбод этади, эътиқодни сохта эътиқодга айлантиради.

Илм-фан, адабиёт ва санъат даҳолари, буюқ файласуфлар, мутафаккирлар орасида илҳос қўйган ғоясига ўз умрини бағишлаганлар тарихда кўп ўтган. Уларнинг аксарияти жуда камтарона, баъзилари анча қашшоқ кун кечирган. Аммо танлаган йўлидан, ҳақиқатга, эъзуликка, адолатга хизмат қилишдан қайтмаган. Шу боис улар исмини, қилган ишларию ёзган асарларини дунё халқлари эъзлаб келади, улар билан фахрланади.

Мустақил фикрлаш ва холислик асосида шаклланган эркин илҳос бутун эътиқодга, маънавиятга эркинлик бутун ахлоқийлик бахш этади. Ҳақиқий эркин илҳос инсонни тарбиялайди, ўзида яхши фазилатларни шакллантиришга, фозил шахслардан ибрат олишга, ҳавас қилишга ундайди. Муте, авторитар илҳос бировага кўр-кўрона тақдир қилишга, илҳос қўйган шахсга сифинишга, ўз қарашларига мос келмаган ҳар қандай далилларни мутаассибларча инкор қилишга, ғоявий муҳолифларига нафрат ила қарашга асосланади. Эркин илҳос эътиқоднинг «инсонийлик» қиёфасини белгилайди, уни кўнгли ҳодисасига айлантиради.

Илҳос қотиб қолган тушунча эмас. У ҳам илм ва ишонч каби бойийди, қашшоқланади, ўзгаради, ривожланади.



2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида 10 та олий таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтмоқда.

ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ АСОСИ

Баъзан инсоннинг ихлос қўйган нарсасидан илми кенгайтириш, чуқурлаштириш натижасида ёки ишонч оқланмагани, ёки бошқа сабаларга кўра, кўнгли совиёди. Баъзан эса, аксинча, инсоннинг ихлоси янада ортали, кучаяди. У ихлос қўйган нарсасидан ахлоқий таянч топиши қаторида гўзаллик ва ақлий завқшавқ туяди. Ҳис-ҳаяжони эҳтиросга айланади.

Бу, аслида, ихлоснинг юксалиб ишққа айланishiдир. Ишқ инсон маънавий дунёсини бойитади, кучайтиради. Инсонни ижодкор, яратувчи шахсга айлантиради. Ишқнинг яна бир муҳим хусусияти идеални шакллантиришидир.

Идеал инсон ва жамиятнинг мукамаллик тўғрисидаги тасаввурларидир. Инсон ўз фаолиятини, турмушини яшайётган муҳити ва жамиятини ёки ихлос қўйган, ишқи тушган шахсни, асарни халёлан ўзининг мукамаллик тўғрисидаги тасаввурлари билан қиёслайди. Ўз фаолиятини, ижодини, яратётган қадриятини идеалга мослаштиришга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, эътиқод таркибига илм, ишонч, ихлос, ишқ ва идеал кирди. Улар яхлит эътиқод тизимида ўзаро узвий боғлиқ, бир-бирига таъсир кўрсатади, бойитади... ҳамда ҳар бири эътиқодга таъсир кўрсатади, маълум вазиятларда бутун эътиқоднинг ўрнини босади.

Ўзбекистон — дунёвий давлат, унда 16 диний конфессияга оид 130 дан ортиқ турли миллатлар ва элатлар яшайди. Конституциямизнинг 31, 12-моддаларида виждон эркинлиги ҳамда фикрлар хилма-хиллиги, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмаслиги кафолатланган.

Конституциявий меъёрларни юзага чиқариш мақсадида тегишли қонунлар қабул қилинган, улар мунтазам такомиллаштириб, бойитиб, кенгайтириб берилмоқда. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун илк бор 1991 йилнинг 14 июнида, яъни

ҳали Ўзбекистон мустақиллик учун курашаётган пайтлардаёқ қабул қилинган эди. Бу қонун кейин мустақиллик йилларида янги таҳрирда қайта қабул қилинди. Ҳозир ҳам бугунги ижтимоий онг даражасини, замонавий ички тарраққиёт ва геосиёсий жараёнлар тенденцияларини, Ўзбекистоннинг халқаро аҳволи ва алоқаларини ҳисобга олиб,

« **Эътиқод, лугавий мазмунига кўра, қатъий ишонч демек. Бироқ эътиқоднинг лугавий эмас, атамавий (истилоҳий) мазмунини олсак, у жуда мураккаб тузилмага эга, кўпмазмунли тушунча эканига амин бўламиз. Эътиқод фақат диний мазмунга эмас, дунёвий, яъни нодиний мазмунга ҳам эга.** »

мазкур қонунни такомиллаштириш эҳтиёжлари мавжуд.

Конституциямиз эътиқод эркинлиги ва инсон ҳуқуқларини юзага чиқарувчи қонунлар мажмуаси умуммиллий жиқсликни таъминлашга, Ўзбекистонда яшовчи барча халқларга ўз миллий-маданый, диний, инсоний эҳтиёжларини ҳеч қандай тўсиқларсиз қондириш учун зарур ҳуқуқий баъза бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш, раванқ топтириш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда, миллий ғояда белгиланган мақсадларга эришиш йўлида барча фуқароларни бирлаштиради ҳамда эҳтимолдаги баъзи диний ва миллий зиддиятларнинг олдини олади.

Халқимизда доно мақол бор: «Бир кун жанжал чиққан уйдан, қирқ кун бирака қочади.» Мамлакат миқёсида-чи? Айрим мамлакатлардаги низоларнинг, можароларнинг оқибатини эшитиб, ТВ орқали кўриб турибиз!

Эътиқод эркинлиги таъминланмаган мамлакатларда инсон ҳуқуқларини,

эътиқоди ва қарашларини чеклашлар, ўзгача фикрлайдиганларни таъқиб, қатагон қилишлар кузатилади.

Совет тузуми даъво қилган эътиқод эркинлиги аслида пуч нарса эди. Эътиқод совет шароитида синфий, партиявий қарашларнинг мужассам ифодасини аналтарди. Фақат эски чоризм даврида шаклланган ва уруш йиллари яқинларини йўқотган кекса авлоднинг диний эҳтиёжларни қондириш учунгина айрим диний ташкилотлар фаолиятига рухсат бериш мумкин, аммо уларни йилдан-йил чеклаб, қисқартириб бориш лозим деган ҳулосаси ва сиёсати иккиюзламачиликнинг, вақтинчалик муроасўйликнинг ифодаси эди.

Амалда эътиқод эркинлиги СССРда таъминланмади. Совет давлати дунёвий давлат деб ўзини эълон қилиб, расман черковни (масжидни) давлатдан, мактабни (таълимни) черковдан ажратган бўлса-да, аслида диний мафкурани сохталаштирилган коммунистик мафкура билан алмаштирди. Ҳатто, мафкуравий-тарғибий ташкилотнинг оммавий шаклларини рус православ черковидан олди. Православларда, хусусан, русларда оддий кишилар уйда асосий эътиқомат қиладиган хонасининг ўнг бурчаги «красный кут» — «қизил бурчак» деб аталган. Унда икона осилиб, пастида тахта жавончада чироқ ёқиб қўйилган. Икона Исо Масиҳ, Биби Марьям ёки христан динининг улуг фариштаси Гавриил (Жаброил) ёки машҳур авлиёларидан бирининг образини, шакли-шамойилини акс эттирувчи мойбўёқда тахтага ишланган суратдир. Хонага кирган киши иконага тазим қилиб, чўкиган. Совет даврида ҳар бир ўқув муассасаси, корхона ва ташкилотларда, ҳарбий қисмларда «қизил бурчак» бўларди. Уларда икона эмас, Ленин ва Сталиннинг суратлари осиб қўйиларди. 50-йилларнинг иккинчи ярмида Сталин шахсига сивғиниш қора-

лангандан кейин, имкони бор жойларда алоҳида «Ленин хоналари» ташкил этилди. Қизил бурчаклардан Сталин суратлари олиб ташланди. Ўзингиз ҳулоса қилинг, атеистик совет давлати Худо, Биби Марьям, фаришталар ва авлиёлар образини дохийлар образи билан алмаштирди, холос. Чўқиниш ва дуо ўрнини улар шаънига маддоҳлик қилиш эгаллади. Бундай эътиқодни эркин эътиқод деб бўладими? Ҳатто, бундай эътиқодни атеистик дейиш ҳам қийин, чунки унда сигинишнинг самимий диний шакли сохта дунёвий шакли билан алмашди. Моҳиятан ўзгарган эмас.

Мустақил Ўзбекистон эътиқод эркинлигига эришишга интиломда. Бугун мулкчиликнинг турли шакллари ривожланаётган, истаимизми-йўқми ижтимоий табақалашуви юз бераётган, ахборот хуружи ва маънавият хавф-хатарлари ортиб бораётган шароитда, қатор зиддиятли, оғриқли масалалар олдимизда кўндалак бўлмоқда: ижтимоий конфронтация (қарама-қаршилик)ми ё ижтимоий шериклик, хурофот устун келадими ё илмий қарашлар, жаҳолатми ё маърифат, муттаассибликми ё бағрикенглик, билим ва ақл-заковат ўсишимми ё деинтеллектуализация (ақл заковатнинг пасайиши, емирилиши)ми?

Биз бу саволларни, ижтимоий муаммоларни четлаб ўтаолмаймиз. Ўзимизни уларни билиб, билмасликка, кўриб, кўрмасликка солишимиз, уларнинг бизга дахли йўқ, биз ўзбеклар, кўнгли очиқ, хайрихоҳ, болажон, меҳмондўст, меҳнатқаш ва тинчликсевар халқ, деб ҳисоблашимиз мумкин. Аммо барча ўзбекистонликлар ўзининг турмушдан, ижтимоий аҳволидан, рўзгорининг рўшнолигидан бирдек мамнунми? Айниқса ёшлар?! Халқимизнинг барча қатламлари эътиқод эркинлигини, бу борадаги давлатимиз, жамиятимиз, илғор зиёлиларимиз ва ақли расо, ватанпарвар ҳамюртларимиз саъй-ҳаракатларини тўғри тушунаптими? Мавжуд қийинчиликлар, ечилмаган муаммолар айримларимизни чалғитмаёптими? Масала шунда! Эътиқод масаласида ҳеч биримиз чалғимаслигимиз керак. Ҳеч ким келиб бизга мамлакатимизни ва турмушимизни юксалтириб бермайди. Фақат ўз ақл-заковатимиз ҳамда кучимизга таяниб, эътиқодда собитлик билан бунга эришамиз!

Абдурахим ЭРКАЕВ

Энди боғчаларимиз иссиқ бўлади

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 30 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятидаги мактабгача таълим муассасаларида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида иссиқлик даражаси бир меъёрда сақлаб турилибди.

Учкўприк тумани Мактабгача таълим бўлимида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларида кўплаб муассасаларнинг иситиш тармоқлари янгидан қуриб битказилди. Тумандаги 8-мактабгача таълим муассасасига маҳаллий

бюджет ҳисобидан 50 миллион сўм маблағ ажратилиб, иссиқлик тизими тўлиқ жорий таъмирланди. 24-мактабгача таълим муассасасига эса 115 миллион сўм ажратилиб, иссиқлик тизимлари янгисига алмаштирилди. Шу

йилнинг ўзида 19, 25 ҳамда 36-сонли боғчаларнинг ҳам иситиш тармоқлари тўлиқ янгиланди. Бу эса қишлоқдаги боғчаларга келаётган болажонлар иссиқ хоналарда таълим тарбия олишлари учун имконият яратмоқда. Бундан ташқари, куз-қиш мавсуми учун тумандаги барча муассасаларга 771 тонна кўмир ва кўмир брикет бериш режалари бажарилди.

Бағлод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги муассасаларда ҳам 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталафот ўтказиш бўйича пухта тайёргарлик кўрилди. Туманда мактабгача таълим бўлимида доимий фаолият кўрсатувчи 7 нафардан иборат штаб таркиби тасдиқланди. 23 пунктдан иборат чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, тумандаги 52 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида

мавсумни беталафот ўтказиш бўйича масъуллар белгиланди.

2019 йил давомида боғчаларнинг жорий таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 810 миллион сўм маблағ ажратилди.

Тошлоқ туманида йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда боғчалардаги иссиқлик бир меъёрда сақлаб келинмоқда. Жорий йилда Давлат Инвестиция манзили дастури асосида 18, 20-сонли мактабгача таълим муассасалари замонавий ҳамда болалар учун барча шароитга эга тарзда барпо этилди. 2019 йилда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида 10 дан ортиқ боғчаларнинг иситиш қозонлари янгисига алмаштирилди.

Шу кунларда жойларда ижтимоий соҳа объектлари, яъни мактабгача таълим муассасаларини совуқ кунларда беталафот ишлашини таъминлаш учун саъй-ҳаракатлар тўхтатилгани йўқ.

Рустам МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти



Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби соддалаштирилди.

Ислохотларнинг ҳуқуқий асоси

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигини кенг нишонлаш бўйича қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Конституциямиз — юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевордир.

Бош Қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди.

Бу ислохотларнинг амалга оширилишига сўнги уч йил мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар, фармон ва қарорлар ҳуқуқий замин яратиб берди. Бошқача айтганда, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор этилди ва бу йўналишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Эндилликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Чунки Фуқаролар ва тадбиркорлик



субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувчи амалга ошириш бўйича конституциявий норманинг амалда ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган — Судьялар олий кенгаши ташкил этилди ва бу билан судьяларни танлаш ҳамда лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олди олинди, очиқ, ошқора ва муқобил танлов тизими яратилди.

Ўз навбатида, мазкур кенгаш томонидан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ун йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилиши ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг касбий нуфузи

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибда қайта кўриш бўйича бир-бирини тақрорловчи инстанциялар бекор қилинди.

Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан яқуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овора бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибда қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддат уч йилдан бир йилга қисқартирилди, бу эса фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимидаги қамоқ тарзидаги жазо тури бекор қилиниб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбурий жамоат ишлари жазо тури киритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартрилди. Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг

энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартрилди.

«Хабас корпус» институтини жорий этиш ва тергов олиб боришда суд назоратини кучайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиб, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экзгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция буйича ваколатлари судларга ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан буён Ўзбекистонда қўйноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги, бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъий назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилиши ҳақида ўз чиқишларида кўп мартаба қайд этди.

Шу нуқтаи назардан ушбу йўналишда далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Ёлгон гувоҳлик ва ёлгон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Қонунга хилоф усуллар орқали олинган далиллардан, шу жумладан, номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокурор ёки суд томонидан зудлик билан мажбурий текширилиши лозим бўлган тартиб белгиланди.

Судларда жиноят ишлари бўйича очиқ муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш таъқиқланиб, қўйноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўлланганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ушланган шахсларнинг қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибда шикоят қилиш ҳуқуқлари, шунингдек, ҳимоячиларнинг далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Бу каби ислохотлар натижасида 2018 йил ҳамда 2019 йилнинг ўтган 10 ойи давомида судлар томонидан бир ярим мингдан нафардан зиёд шахсларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиди. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ўз самарасини бераётганидан далолат.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз юртимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг қўламли ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси вази-фасини ўтамоқда. Шу боис, Бош Қомусимизнинг моҳияти, хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиш ҳамisha давом этаверади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қанчадан-қанча бунёдкорлик ҳаракатларининг, эзгу мақсадларга йўналтирилган демократик ислохотларнинг, кучли фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилаверади.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



Ўз навбатида, мазкур кенгаш томонидан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

ни оширишга қартилган.

Жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини ўз вақтида, адолатли ўтказиш, жазонинг адолатлилиги ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришнинг инobatта олган ҳолда одил судлов самардорлигини оширишга қаратилган ислохотлар амалга оширилди.

Иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, базавий ҳисоблаш миқдори, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилгани сабабли 50 дан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди.



ҚИСКА
САТРАЛДАР
УҚНИ!

«Умр ширин, лаҳзалар мазмунли»

Халқаро ногиронлар кунини нишонлашда таълим муассасалари, турли ташкилотлар, бутун жамоатчилик иштирокида кенг кўламдаги тадбирлар ўтказилади.

ган, ёрдамга муҳтож фуқаролардан хабар олинди. Уларга совғалар улашилди. Кўнгилларини кўтариш мақсадида хонадонларига борилди.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналарига «Фарзандлар билан ҳаёт гўзал», «Умр ширин, лаҳзалар мазмунли» каби шиорлар остида ҳозирги кунда кичик ёшдаги болалар учун интернат уйлари, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, умуман, ҳар бир болага қувонч бахш этишда олиб бораётган салмоқли ишлар хусусида мисоллар билан тушунчалар берди.

Ю қ о - риди айтиб ўтилганлар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ва серқирра чора-тадбирларнинг бир мисоли, холос. Энг асосийси, бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлик муаммоларини ҳал қилишда мустақам п о й д е в о р яратилди ва

ушбу долзарб йўналишда давлат органлари, кенг жамоатчилик, республикамизнинг ҳар бир фуқароси мақсадли ишларни амалга оширмоқда. Шунинг учун ҳам бундай юртининг, элнинг келажаги буюқдир дейишга асосимиз бор.

Каримжон НҲУМОНОВ,
подполковник



Ана шундай тадбирлардан бири Чирчиқ шаҳридаги Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва ҳарбий ҳаво кучларига қарашли 61917 сонли ҳарбий қисм хизматчилари ва Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилди. Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўл-

Улар ҳар доим эътиборда

Маълумки, Халқаро ногиронлар кунини 1992 йилда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига биноан нишонлана бошлади. Мазкур кунни нишонлашдан асосий мақсад жамиятда ногиронлиги бўлганлар дуч келадиган муаммоларни янада яхшироқ тушунишга, уларни қўллаб-қувватлаш, кадр-қиммати, ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхшилашга чақиришдан иборат. Шунингдек, мазкур сана ногиронлар жамиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этиши бутун жамиятимизнинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатишини англаб олишга ёрдам беради.

Яқинда нишонланган халқаро ногиронлар кунини муносабати билан Бекобод туманида 300 нафар ногиронлиги бўлганларга «Темур файз» тўйхонасида дастурхон ёзилди. Тадбир давомида 10



та ногиронлик араваси, 10 та ҳасса ва қўлтиқтаёқ, 4 та эшитиш мосламаси ўз эгаларига топширилди. Бу эзгу ишлар туман тиббий-ижтимоий хизматлар бўлими томонидан амалга оширилди.

— Фарзандимга 5 йилдан бери ногиронлик араваси ололмайдиган эдик, — дейди Холисхон Ортиқова. — Бор эди, лекин жуда эскирган, яроқсиз қолга келиб қолган эди. Бугун байрам дастурхони атрофида бизга янги арава совға қилинди. Жуда хурсанд бўлдик. Ташкилотчилардан миннатдоримиз.

Эътиборлиси, бундай тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Муҳими, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларимиз доимий эътибор ва ҳимояда.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» муҳбири

Суд очерки

Б.С 2017 йилнинг декабрь ойида Н.Мнинг ишончига кириб, унга Сергели тумани 5-мавзесида қуриладиган янги уйлардан 2018 йил март ойига қадар олиб беришни ваъда қилиб, ундан 317 миллион 400 минг сўм олади. Ваъдаси эсдан чиқиб, пулларни қайтармайди. 2018 йил июнь ойида у ўзига шерик топиб, Н.Мга Сергели тумани 5-мавзесида «Учтепа Қалқон» МЧЖ томонидан қуриладиган уйнинг хонадонини олиб беришни ваъда қилади. Пулларни эса шериклари билан келишиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишади.

Фирибгарликнинг чегараси борми?



Борган сари нафси ўпқон отган Б.С худди шундай вазият билан А.Сдан ҳам 25 минг АҚШ доллари ундирди. Бу ишлар шу билан тугамайди. А.Бдан

минг АҚШ доллари, Д.У исмли аёлдан 13 минг АҚШ доллари ва 24 миллион сўм, Т.Здан 181 миллион 834 минг сўм, К.Рдан 32 минг АҚШ доллари, рус

миллати вакиласи Р.Ега ҳам уй олиб беришни ваъда қилиб, 103 миллион сўмни қўлга киритади. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Бу рўйхатни яна қўллаб давом эттиришимиз мумкин, лекин шунча пулни қандай ҳазм қилиш мумкин? Тўғри, буни шериклари билан каттагина гуруҳ тузиб, қилган. Бироқ шунча одамни зор қақшатиб, камига қонундан қутилиб қолиш мумкин эмаслигини наҳотки билмаган бўлса?

Суд муҳокамасида Б.С ўзининг ташкил этган фирмаси, яъни «Even board» билан қурилиш фирмаси «Учтепа қалқон» ўртасида тузилган бир неча шартномаларни унга ушбу фирмада ишловчи О.Б тақдим этгани, у ушбу шартномалардаги имзо ва муҳрлар сохта эканини дастлаб билмагани, уларни сохта эканлигини фақатгина 2018 йил сентябрь ойида билгани каби қатор вазиятлар келтирилди... Айбдорларнинг барчаси бутун қонун олдидан жавоб бериши.

Шундай экан, ишнинг осон битиши ва ёки камроқ маблағга битишини кўзлаб фирибгарларга дуч келиб қолишдан эҳтиёт бўлинг!

Ахрор ҲОШИМХОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман суди судьяси



Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йилда ўтадиган сайловларга

Мамлакатда ижтимоий адолат ва тенглик ҳукмронлиги тарафдоримиз!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда.

Партияси ўз дастурий мақсадларини, аввало, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустақамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, мамлакатда ижтимоий барқарорлик, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги ҳам-жihatлик, ҳар бир оила ҳамда бутун халқнинг фаровонлигида эришиш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди.

Ўзбекистон тараққиёти стратегиясининг бош мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш экан, партиянинг мақсади ушбу манфаатларга тўла мос келади.

деб ҳисоблайди. Шу мақсадга эришишда партия иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга устувор аҳамият қаратган.

2030 йилгача мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш орқали Ўзбекистонни аҳоли турмуш даражаси ва сифати бўйича дунёнинг ўрта ривожланган давлатлари даражасига олиб чиқиш юқоридagi устувор вазифани амалга оширишда асосий дастуриламал қилиб олинган.

Партия ушбу мақсадга эришиш йўлларини белгилашда, давлат ва жамият томонидан ижтимоий ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож қўйиладиган аҳоли қатламларининг манфаатларидан келиб чиқиш



Мазкур жараёнда ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама, жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда барча соҳаларни либераллаштиришга қаратилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор вазифаларнинг ижросида фаол иштирок этиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади.

Партия сайлов кампаниясига киришар экан, вакиллик органларида кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллашни, шу орқали қонуларни қабул қилиш, давлат ҳокимияти ижро органларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва самарали амалга ошириш имкониятларига эга бўлишни мақсад қилмоқда.

Ижтимоий устуворлик

Халқ демократик партияси Ўзбекистонда ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия меъзолига мос келадиган ижтимоий демократик давлат барпо этишни ўзининг олий мақсади

зарур, деб ҳисоблайди:

✪ пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори турмуш кечириш учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, кўп болали аёллар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари;

✪ меҳнат билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлаштириш қийинчиликка дуч келадиган инсонлар, жумладан, меҳнат бозорига энди кириб келган таълим муассасалари биттирувчилари;

✪ зарур касбий малакаси йўқлиги сабабли доимий иш жойи ва барқарор даромадга эга бўлмаган кишилар, жумладан, ички ва ташқи меҳнат мигрантлари.

Ўзбекистон ХДП мамлакатнинг тобора юксалаётган иқтисодий салохияти аҳолининг кам таъминланган қатламлари турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш учун хизмат қилиш керак, деб ҳисоблайди. Бу мамлакатда ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар бирдамлигини янада мустақамлашнинг асосий омил ҳамда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Ушбу устуворликдан келиб чиқиб, партия ўз депутатлари орқали иқтисодий ислохотлар



нинг ижтимоий самарадорлигини ошириб боришни, жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришни, ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни кўзда тутди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда партия барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарафдори бўлган барча шахсларнинг кўмагига таянади. Ушбу масалаларда партия «Биз ижтимоий тараққиёт тарафдоримиз!» «Бу иқтисодий ислохотлар

ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак, деб ҳисоблаймиз. Аҳоли турмуш даражасини белгилашда, ижтимоий сиёсат ва давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб жорий этишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқро ҳам-жамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси ҳамда уларни қўллаш тартиблари амалиётга киритиш ҳам муҳим.

Шу мақсадда партия қонунчилик ташаббусига мувофиқ ўз парламент фракцияси орқали тегишли қонун лойиҳаси ва тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишни режалаштирмоқда.

Партия, шунингдек, аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисобланишига эришади. Шу мақсадда партия «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни режалаштирган.

Партия қуйидаги масалалар бўйича парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни режалаштирган:

✪ кам таъминланган оилалар аъзолари, жумладан, ишсизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлар, аёлларнинг тadbirkorлик соҳасидаги фаоллиги ҳамда касаначиликни давлат-хусусий шериклик асосида рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш. Бу аҳоли ўртасида боқимандаликни йўқотишга хизмат қилади;

✪ ногиронларга хусусий тadbirkorлик ҳамда томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

✪ фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари негизда қонунчиликда кўзда

тутилган маслаҳат марказлари ва кам таъминланган, меҳнатга лаёқатли фуқароларни тadbirkorлик асосларига бепул ўқитишнинг бошқа шакллари ҳамда уларга тегишли масалалар бўйича ҳуқуқий ва иқтисодий маслаҳатлар бериш тизимини янада ривожлантириш.

Партия ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронларнинг ҳаётий эҳтиёжларига эътиборни қучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда партия қуйидаги чора-таdbirkorларни кўрмоқчи:

✪ депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатилиш орқали «Мурувват», «Саховат» ва «Меҳрибонлик» уйларида истикомат қилаётган ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронларнинг яшаш шaroитини ўрнатиш;

✪ ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишда давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш ҳамда ижтимоий тadbirkorлик бўйича илгор давлатлар тажрибасини ўрганиш;

✪ ўрганишлар ҳамда тегишли ижтимоий гуруҳлар билан ўтказилган мулоқот натижаларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликка давлат-хусусий шериклиги ҳамда ижтимоий тadbirkorлик асосида аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг аниқ процессуал механизмларини киритишни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни партиянинг парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси сифатида илгари суриш.

Шунингдек, ХДП ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг мамлакат маданий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этиш учун муносиб шароит яратишни кўзлаган.

Ўзбекистон ХДП матбуот хизмати.



самарадорлигининг асосий омилдир» шiorлари остида ҳаракат қилмоқда

Аҳолининг турмуш даражаси ошиши шart

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини юқори ижтимоий таъминланганлик даражаси — жамият барқарорлигининг мустақкам пойдевори ҳисобланади. Партия пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда аҳолининг бошқа заиф қатламларига пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларни белгилаш 2030 йилгача Барқарор ривожланиш бўйича Миллий мақсадлар ва вазифалардаги меъзоларга асосланиши керак, деб ҳисоблайди.

Бунинг учун аҳолининг кам таъминланган ва бошқа заиф қатламларига бепул ижтимоий хизматлар тақдим этилишини таъминлайдиган «Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

Энди уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланади.



ТАБИАТ БУ — ТАБИЙ НЕЪМАТ



Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бу орқали аҳоли учун қулай яшаш шароитлари яратилишини таъминлаш энг муҳим устувор вазифалардан деб билади. Бунинг учун партия куйидаги мақсадли давлат, минтақавий ва ҳудудий дастурлар ҳамда лойиҳаларнинг жойларда амалга оширилишини зарур деб ҳисоблайди.



Гулчехра ЖУМАБЕКОВА,
Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси

табиий бойликлардан фойдаланиш самардорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувни тежайдиган, замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, Озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатишни босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш;

саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, машиини ва бошқа чиқиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш, қайта ишлаш ҳамда иккиламчи фойдаланиш орқали уларнинг ҳажмини қисқартириш;

биологик хилма-хилликни сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот генофондини муҳофаза қилиш, тарихий-маданий қимматга эга бўлган табиий ландшафтларни ва муҳофаза

этиладиган табиий ҳудудларини асраш, уларни белгиланган тартибда Умумжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига киритилишига эришиш;

арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни, энергия самардорлигини яхшилашни таъминлашга қаратилган саноат-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш;

экологик сугурта тизимини яратиш ҳамда ривожлантириш, экологик экспертиза, экологик баҳолаш ва экологик аудит тизимларини такомиллаштириш.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик партияси жойларда табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган истиқболли



инвестицион лойиҳаларнинг бажарилиши устидан жамоатчиликнинг тизимли экологик мониторинги амалга оширилишига, бу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни, ҳомийлар маблағларини ўз вақтида, тўлиқ ўзлаштиришга ҳамда оқилона фойдаланишга ҳам ўз эътиборини қаратади.

«АҚЛЛИ ШАҲАР» КОНЦЕПЦИЯСИНИ «ЯШИЛЛАШТИРИШ» ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил январь ойида «Ўзбекистонда «Ақлли шаҳар» технологиялари татбиқ этиш концепцияси»ни ҳамда уни ҳаётга жорий этиш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқлади.



Наврўбек ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Андижон вилояти партия ташкилоти раиси

«Ақлли шаҳар» гоёси ва технологиялари Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий дастурий вазифалари билан ҳамохангидир. Биз шаҳар атроф-муҳитининг асосий компонентларини бошқаришда IT технологияларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий этиш, ахборот коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш тарафдоримиз. Шу билан бирга партиямиз ҳаётимизнинг барча жабҳаларига «яшил» иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, замонавий ресурс ва энергия тежамкор экологик тоза технологияларидан кенг фойдаланишни даъват этади. Мазкур жабҳада «Ақлли шаҳар» тизимини «яшил-лаштириш» тақлиф этилади.

«Ақлли шаҳар» тизими қандай кўринишга эга бўлиши лозим?

«Ақлли транспорт» бу нафақат барча транспорт воситаларини ўзида қамраб олган ва инфратузилманинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлайдиган уяли операторлар ҳамда GPS ахборотлар тизимини қамраб олган технологик жиҳатдан ҳал этиш мажмуаси, балки атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтиришга, экологик тоза транспортдан фойдаланишга қаратилиши лозим.

«Ақлли таълим» — онлайн платформа ва оммавий очиқ онлайн курслар бўйича илғор технологиялар ҳамда виртуал реалликка асосланган узоқдан алоқа боғлаш мажмуасидир.

Ўзбекистон Республикаси экологик таълимини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ ёшларни узлуксиз экологик таълим ва тарбияси жараёни ҳамдир.

«Ақлли энергетика тизими» — ўзида ишлаб чиқаришни, инфратузилмани ва энергия истеъмолини мужассам этган, барқарор иқтисодий самарадор ҳамда ишончли энергетик

тизим. Шу билан бирга иссиқлик газларини атроф-муҳитга кам чиқарадиган энергетик самарали, мамлакатнинг энергобалансида салмоқли улушга эга бўлган ҳамда «яшил» тарифларга асосланган қайта тикланувчи энергия манбалари.

«Ақлли сув таъминоти» ва сувдан фойдаланиш — онлайн гидравлик моделлар базаси асосида бошқариладиган сув таъминоти, автоматлаштирилган ҳолда сув ресурсларини олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда сув ресурсларини тақсимлаш, ҳавфсизлик ва назоратнинг интеграллашган ҳолда беҳуда исроф бўлишини автоматлаштирилган ҳолда аниқлайдиган тизим. Ёгингарчилик оқимини ва сув тошқини хавфини олдиндан огоҳлантиришни бошқаришига эмас, балки сув ресурсларидан, айниқса, ичимлик сувидан мақсадли, оқилона фойдаланишга асосланган тизим ҳамдир.

«Ақлли уй-жой қомунал хўжалиги» — коммунал ресурслар билан таъминлаш, улардан фойдаланишнинг интеллектуал ҳисоб-китобларини мониторинг ва назоратни ўзида мужассам этган барқарор ҳамда иқтисодий тизим бўлиши билан бирга энергия ва сувни тежовчи мослама ҳамда ускуналар ҳамдир.

«Ақлли уй» тизим ости, нафақат уйдаги барча коммуникацияларни уй эгасининг эҳтиёжлари ва истакларини қондиришга мослаштирилган сунъий интеллект орқали бошқаруви балки экологик нуқтан-назардан хавфсиз ҳамда электр энергиясини кам истеъмол қиладиган асбоб-ускуналарни бошқарув тизими ҳамдир.

Умуман, «Ақлли шаҳар» тизимини «яшил» иқтисодиётга ўтиш Стратегиясига мослаштириш лозим. Шу билан бирга бу тизимни етарли даражада экологик маданият ва билимга эга бўлган шаҳар аҳолисини, ичимлик суви, тупроқ, электр ва иссиқлик энергиясидан унумли фойдаланиш ва чиқиндиларни утилизация қилишсиз татбиқ этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Экологик партиясининг яқин муддатларда ва 2025 йилгача мўлжаллан-

ган «яшил» иқтисодиётга ўтиш бўйича вазифалари:

«яшил иқтисодиёт» учун кадрларни тайёрлаш;

Мамлакат энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 10 фоизгача етказиш;

аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини 100 фоизгача етказишга эришиш;

атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини 1,5 баробарга камайтириш;

барча турдаги чиқиндилардан оқилона фойдаланишга эришиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва такрорий фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш орқали уларни қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга етказиш, ҳосил бўлаётган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш миқдорини 20 фоизгача етказиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизга етказиш;

ирик саноат марказлари атрофида «яшил қалқонлар» барпо этиш;

республика ҳудудининг ўрмон билан қопланганлик даражасини 7,6 фоиз (3,4 млн. гектар)дан 15 фоиз (7 млн. гектар)га етказиш.

Ушбу вазифалар мамлакатнинг «яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси билан ҳамохангидир.

Партиямизда юртимизнинг барча шаҳарларида «яшил иқтисодиёт» тамойилларини илмий, қонуний, таълим ва амалий жабҳаларда «Ақлли шаҳар» Концепциясини татбиқ этишда ўз ҳиссасини қўшишига салоҳият ва ишонч бор. Имкониятлар етарли. Демак, ундан фойдаланиш қолди ҳолос.



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди.

Мақсадимиз аниқ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БУ – МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЕВНИНГ ПАРТИЯНИНГ VIII СЪЕЗДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ ҲАМДА 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ТЎЛИҚ АМАЛГА ОШИРИШ МАСЪУЛИЯТИНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛГАН СИЁСИЙ КУЧДИР. УШБУ МАҚСАД ЙЎЛИДА БИЗ БАРЧА ИМКОНИАТЛАРИМИЗНИ ИШГА СОЛМОҚДАМИЗ.

Дунёнинг 50 та ривожланган, иқтисодийи барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган, демократик давлатлари қаторига Ўзбекистоннинг киришини таъминлаш. Аксарият мамлакатлар «Тўртинчи саноат инқилоби» арафасида турган бир пайтда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатнинг инновацион ривожланиши йўлидан жадал ҳаракатланиши, «билимлар иқтисодиёти» ҳамда «рақамли иқтисодиёт», «ахборот жамияти» шакллантирилишига эришиш. Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибдор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш. **Ўзбекистонни урбанизация кўрсаткичи 60 фоизга етган,** замонавий шаҳарлар, мегаполисларга эга, янги технологиялар ёрдамида бутун

парламент демократияси, эркин бозор иқтисодиёти шароитидагина эришиш мумкин. Партияимизнинг бош қадриятлари – эркинлик, масъулият, ҳалоллик, адолатлилик, бағрикенглик ва имкониятлар тенглигидир.

Бугун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига юқори фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга

«**Партияимизнинг бош қадриятлари – эркинлик, масъулият, ҳалоллик, адолатлилик, бағрикенглик ва имкониятлар тенглигидир.**»

мамлакат бўйлаб турмушнинг бир хил юқори даражаси таъминлаган, эркин ва бахтли одамлар яшайдиган қудратли ва салоҳиятли давлатга айлантириш каби улкан мақсадларни партия ўз олдига қўйган.

Ушбу мақсадларга либерал-демократия тамойиллари, шунингдек, «Жадал янгилашнидан – жамият тараққиёти ва гуллаб-яшнаши томон», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», «Монополиянинг ҳеч қандай кўринишига йўл қўймайлик ва рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, шахсий мулкни ҳурмат қилиш» каби тамойиллар амалга оширилган очик ва кучли фуқаролик жамияти, конституциявий

ёшлар кириб келаётганини алоҳида эътироф этамиз. Партия халқнинг фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр. Бунда янги, рақобатбардош ва халқаро ҳам-жамият учун очик мамлакатни барпо этиш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишга қодир, келажаги порлоқ, аҳил жамоага таянади.

Биз уларга тўла ишонамиз, бўлажак сайловларда энг муносоибларининг номзодларини илгари сураемиз, бор кучимизни ислохотларнинг натижаси ҳар бир инсон ва унинг оиласи ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда бу таъсирни улар



бугунги кундаёқ сезишига йўналтираемиз.

Янги Ўзбекистон – янгича бошқарув

Биз учун янги Ўзбекистон – кучли парламентаризм институти фаолият кўрсатаётган ва «Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун» тамойили амал қилаётган мамлакатдир.

Партия бу борадаги устувор вазифаларини белгилаб олган. Парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролинини ошириш, халқ ҳоқимиятини янада кучайтириш шулар жумласидан. Биз парламент сайловларидан галаба қозongan партия нафақат Бош вазир номзодини, балки парламент қуйи палатаси Спикери номзоди, Ҳукумат таркибини таклиф этиши, сайловларнинг пропорционал тизимига ўтиш, ҳоқимият органларининг ҳисобдорлигини ва очиклигини таъминлаш мақсадида жамоат ҳамда парламент назорати тўғрисидаги қонунларни замон талабларидан келиб чиқиб, такомиллаштириш каби ғоялар тарафдоримиз.

Қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият сифатини тубдан ошириш, қонунчилик базасини тизимлаштириш ва қонуности ҳужжатлари сонини кескин қисқар-

даги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоат муҳокамасини ташкиллаштириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилишни таклиф этади.

Халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, энг муҳими, мазкур тузилмаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, реал даро-

мадларнинг барқарор ўсиши, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда назорат қилиш бўйича масъулиятини кучайтириш. Биз халқ вакиллик органларининг фуқаролар учун очиклигини таъминлаш, «Электрон парламент» ва «Электрон халқ депутатлари кенгаши» каби концепцияларни ҳаётга изчил татбиқ этиш тарафдоримиз.

Бошқарувнинг барқарор тизими

Дунёнинг давлат бошқаруви сифати юқори даражага эга, ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган 30 та давлати қаторига Ўзбекистоннинг киришига эришиш. Бизнинг қатъий позициямиз: давлат хизмати бу – фуқароларнинг профессионал хизмат фаолияти. Давлат хизматида ўз касбининг усталари ишлаши шарт. Бу – давлат бошқаруви тизимининг самарали ва сифатли фаолият юритиши, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш гаровидир!

Бу соҳада ҳам қатор устувор

«Қонуннинг ягона манбаи ва муаллифи халқ экан, қонунлар инсон ва жамият ҳаётини яхшилаш, эркинлаштириш учун қабул қилинади», деган олийжаноб ғояни ҳаётга жорий этиш. Партия норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш ҳамда жамоат ташкилотларининг бу бора-

Эндиликда ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит кафолатланади.





институтлари ҳамда жойлардаги ижро ҳоқимияти органлари фаолиятининг барқарорлиги ва самардорлиги, давлат хизматларининг сифати ва тезкорлигини таъминлаш ҳам муҳим устувор вазифалардан. Партия, хусусан, барча давлат хизматларини BPR (Business process reengineering — бизнес жараёнини қайта ташкил этиш) тизими асосида соддалаштириш, давлат хизматларини кўрсатишга замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш, «бир ойна» тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматларини кенгайтиришни тақлиф этади.



Ахборот соҳаси либераллашуви

— «Рақамли Ўзбекистон 2030» дастурини жорий этиш, «катта маълумотлар» («Big data»),

Партиянинг энг муҳим вазифаси оммавий ахборот воситаларини том маънодаги «тўртинчи ҳоқимият»га, аҳоли эҳтиёжларини ҳоқимият органларига етказишнинг таъсирчан воситаси, халқ ёрдам

амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг сама-

ва унга эришиш



йўллари биламиз!

«блокчейн», «ақли», «хавфсиз» шаҳар, «интернет буюмлар» технологияларини кенг жорий қилиш, телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш. Ушбу асосда мамлакат ЯИМнинг 30 фоизга ўсиши ҳамда юртимизнинг «рақамли иқтисодиётга тайёрлик» ва «АКТ ривожланиши» халқаро индекслари бўйича илгор давлатлар

чисига, демократия кўзгусига айлантиришдан иборатдир. Давлат органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликларни, долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритиш ОАВ фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлиб қолиши лозим.

рали ва таъсирчан шакллари жорий этиш, уларни амалга ошириш механизмларини қонунда батафсил белгилаб қўйиш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қайта кўриб чиқиш;

— мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланишини, жамият институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ҳамда келгуси беш йилликда мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясини қабул қилиш.

қаторига киришини таъминлаш;

— мамлакатдаги барча аҳоли пунктлари ва таълим муассасаларига замонавий оптик толали интернет алоқа тизимини олиб кириш ва интернет хизматлари нархини пасайтириш, ташқи интернет каналлари орқали интернет трафиклари сотиб олиш ва мамлакатга тарқатиш бўйича монополашувга йўл қўймаслик;

Бу борада биз мамлакатимизнинг глобал ахборот маконига уйғун кириб бориши ва интеграциялашуви, халқаро ахборот алмашинуви соҳасида мавқенин мустаҳкамлаш, ахборот маконидаги бозор муносабатлари ва адолатли рақобатни ривожлантириш, рақобатбардош нодавлат медиа-гуруҳларнинг вужудга келиши ва миллий журналистика институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этамиз.

Кучли ва адолатли жамият

Миллатнинг гуллаб-яшнашига фақат кучли ва адолатли фуқаролик жамияти зарро этилган шароитдагина эришиш мумкин. Бунда барча қарорларни қабул қилишда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари фикрлари инобатда олинади.

Айни пайтда партия ижтимоий шериклик ва жамоат назорати институтларининг изчил кучайтирилиши, бошқарув функцияларининг аксариятини халқнинг ўзига, жамоат бирлашмаларига, ўзини ўзи бошқариш органларига, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига берилиши тарафдоридир. Партия соҳага оид миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг чуқур таҳлили ва илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қуйидагиларни тақлиф этади:

— нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодексни қабул қилиш ҳамда халқаро

Партия жамиятда адолат тантанаси тамойили амалга оширилишини таъминловчи фуқаролик институтларининг кенг тармоғи шакллантирилиши тарафдоридир. Биз давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чораларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу йўналишдаги устувор вазифамиз — фуқаролик жамияти институтларининг ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилиш, мулкдорлар синфи манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш — тўғридан-тўғри демократияни амалга оширишнинг асосий йўлидир. Биз жамоат бошқарувида маҳалла фаолияти аҳамиятини самардорлигини ошириш, уни халққа амалий ёрдам кўрсатувчи мустақил, кучли ва таъсирчан фуқаролик институтига айлантириш тарафдоримиз.

O'zLiDeP маъбуот хизмати.

O'zLiDeP: Биргаликда биз кучмиз!

вазифалар белгилаб олинганки, улар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутлади. Бунда менежментнинг замонавий усулларини ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, авторсинг дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Биз давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, янги тафаккурга эга, бошқарувнинг инновацион, янада мослашувчан моделларини, жумладан, лойиҳа моделини (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва жорий этишга лаёқатли етук мутахассислар, сиёсий партиялар, хусусий сектор вакилларини, кучли хорижий экспертларни жалб қилишни кўзда тутувчи янги кадрлар сиёсатини амалга ошириш тарафдоримиз. Кейинги беш йилликда партия «Давлат хизмати тўғрисида», шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига кўнгилдилар (волонтерлар)ни кенг жалб этиш, уларни касбга йўналтириш борасида «Волонтерлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тақлиф этади.

Маъмурий ислохотлар концепцияси қондаларининг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши, ҳукумат, давлат

Ўзбекистоннинг изчил инновацион ва технологик ривожланишини таъминлаш мақсадида ушбу соҳанинг бошқарув тизимини такомиллаштириш гоёсини илгари сураемиз. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини талбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағлари тасарруф қилинишининг шаффофлиги, давлат мулкдан фойдаланишнинг самардорлиги ва мақсадлилиги каби муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаймиз.

«Рақамли» ва ахборот жамияти

Партия ҳозирги ахборот жамияти шаклланиши шароитида, ахборот ва билимлар тараққиётининг стратегик омилига айланган бир даврда мамлакат ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш замонавий ахборот-коммуникация ва «рақамли» технологиялар жамият ҳамда давлат ҳаётининг барча жабҳаларига қанчалик жорий этилгани билан боғлиқ деб билади. Ушбу йўналишда биз қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақлиф қиламиз:

Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни 1988 йилдан бошлаб дунё бўйлаб ҳар йили 1 декабрь куни нишонланади.



Реклама ҳам вируснинг бир турига ўхшайди, у исталган буюм ва тилдан-тилга кўчиш йўли билан ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Уй жиҳозларида, уни ишлаб чиқарган компаниянинг логотиби жой олган — бу эса замондошларимиз учун оддий ҳол.

Яхши биламизки, асосий реклама телевидение орқали эфирга узатилади ва бу бошқа реклама воситаларига қараганда катта натижа беради. Шу боис рекламаларга катта ҳақ тўланади. Бу касб билан шуғулланувчилар ҳам ишбилармон одамлар сафидан жой олиши ҳеч биримизга сир эмас. Лекин бугунги рекламаларнинг аҳволи қай даражада? У бизга фақат маҳсулотларни реклама қилипми? Рекламаларнинг савиясига ким масъул?

Бу саволларга жавоб излашдан аввал бир ҳаётий воқеани келтириб ўтиш ўринли бўлар. Халқимиз серфарзанд ҳамда бир дастурхон бошида йиғилиши яхши кўради. Худди шундай, бир дастурхон бошида йиғилган қариндош-уруғлар телевизор кўриб, чой хўшлаб ўтирса, ғалати реклама бошланиб қолади. Аммо бу рекламани кимдир тушунади, кимдир тушунмайди. Ўша алпозда янги кўевда савол пайдо бўлди, «бу ниманинг рекламаси?» Билганлар миқ этмайди, билмаганлар эса саволга жўр бўлди. Келинчак эрини туртиш билан банд, кўев бўлса, саволни такрорлашни тўхтатмайди. Жавобни билганлар гапни бошқа тарафга буриб, бундай хижолатпазликни тезроқ бартараф этиш билан овора. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, қизикувчан кўев ҳам ён бериб, гурунг бошқа йўналишда давом этади. Аммо келин-кўев ёлғиз қолгач

Хонадонимиздаги



келин турмуш ўртоғидан роса ранжийди. «Уятга қўйдингиз? Шунчақам юзсиз бўласизми? Сиздан кутмагандим...» деган маломатларни эрининг бошидан ёдиради. Турмушнинг паст-баландини энди кўра бошлаган эр бўлса, нима ҳақида гап бораётганини шунда ҳам тўлиқ фаҳхламаган. Чунки рекламаси қойилмақом қилиб ишланган бу товар, фақат аёлларга тегишли буюм бўлиб, унинг номини нафақат телевидение, балки ҳаётда ҳам хотин эрига айтолмайди.

Бу шу қунларда бўлган воқеа, ҳеч қандай ёлгон қўшишга ҳам зарурат туғилмади, фақат олиб ташланган жойлари бўлиши мумкин.

Шу қадар ибод-ҳаёли халқ эканмиз, нега телевизоримиз бизга маъқул келмаган «олабужи»ларни эфирга узатаверди.

Масалан: «Snickers» номли шоколаднинг рекламасини кўрган одам, шоколад ейишга қизиқишини билмадим-у, аммо ҳаёсиз қизлар рақс тушаётган дискотекаларга, албатта, қизиқиб қолади, «Colgate» тиш пастаси эса ўпишиш учун тишинини ювиб юр, деган маъно



беради. «RC Cola» бўлса, ярим яланғоч кадрлар билан сугорилган. Энг даҳшатлиси, фақат бир жинс вакилларига тегишли бўлган «Kotex»нинг рекламаси бўлиб, унинг эфирга узатилишининг ўзиёқ, бизнинг на миллийлигимизга на урф-одатларимизга тўғри келади.

Сизда, бу рекламаларни томошабинга тақдим этаётган каналларнинг номини келтириб ўтинг, деган савол туғилиши табиий, аммо бу қусурдан холи каналларимиз қолмади ҳисоб.

«Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида «фақат вояга етганларга мўлжалланган ёки вояга етмаганларнинг олиши ёхуд истеъмол қилиши тақиқланган маҳсулотни вояга етмаганлар истеъмол қилаётган ёки ундан фойдаланаётган тасвир туширилган реклама»лар тақиқланиши айтиб ўтилган. Аммо аксарият рекламаларимиз ва уларни ишлаб чиқариб, эфирга узатаётган шахслар бу қонундан кўз юмаётир.

Тўғри, «онангни отангга бепардоз кўрсатма», деганлар, бироқ бу иборанинг юқоридаги рекламаларга заррача алоқаси йўқ.

Энг кулгили тарафи шундаки, биз назарда тутган рекламалардан сўнг бошланадиган кинодан аввал, «фильмда тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмоли акс этган саҳналар ҳамда тасвирлар бўлиши мумкин. Нутманг, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари умрингиз заволидир» деган ёзув чиқиб келади. Аслида бу титрни ўзгартириб, яъни «бу реклама кадрларидаги беҳаёлик маънавиятингизни бузади» деб юқоридаги рекламалардан олдин ёзиб қўйиш ўринли бўларди.

Хуллас, бу мавзуга биринчи марта мурожаат этилгани йўқ, телевидениеда узатилаётган бачкана кўрсатувлар-у, беҳаё кадрлар қайта-қайта танқид остига олинса-да, масъулларимиз «ит хура-рар, ўтади карвонлар» дегандек, яна ўз «йўл»ларидан огишмай давом этмоқда.

Тақлиф: биламизки, юртимизда тасвирга олинаётган кинолар, «Ўзбеккино» тарафидан роса ҳижжалаб ўтказилади ва фильм ўша жараёнда анчагина кадрларидан маҳрум бўлади. Балки энди рекламаларимиз учун ҳам «Ўзбекреклама» деган ташкилот тузиш кераклир. Агар, «Ўзбекреклама»ни тус-сак, бунинг жамиятга фойдаси тегса, тегадик, бироқ ҳеч қачон юзимизни ерга қаратмайди, назаримда...

Бегали ЭШОНҚУЛОВ,
«Жамият» муҳбири

Рақобатни деб, ўзлигимизни йўқотмайлик!

Бугун кундалик ҳаётимизни замонавий технологияларсиз, радио, техника, компьютер, айниқса, зангори экрансиз тасаввур қилиб бўлмайди. Телевизорлар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб қолган, десак асло муболаға бўлмас. Бўш вақтимизни мароқли ўтказиш мақсадида, зерикмаслик, маданий ҳордиқ чиқариш учун телевизор томоша қиламиз. Юртимизда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг турли каналлари фаолият юритади. Шу билан бирга хусусий телеканаллар ҳам. Уларнинг кўпайгани яхши, албатта. Рақобат бор жойда ўсиш, юксалиш бўлади. Аммо...

Авваламбор, телеканалларимизда намойиш этилаётган қўшиқлар, кўрсатувларга жиддий эътибор қаратиш керак. Маъно-мантиси йўқ қўшиқлар, очиқ-сочиқ кийинган клиплардаги қизлар, бачканашиб бораётган кўрсатувлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Масъул шахслар нега бефарқ қарашмоқда? Ахир, у миллилатимизнинг зангори экрандаги акси эмасми?

Кўплаб телеканалларимиз томоша-

бинлар сонини кўпайтириш мақсадида профессионал журналистлар ўрнига таниқли хонанда, актёр ва актрисалардан бошловчи ўрнида фойдаланмоқда. Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган ажойиб нақл бор. Ҳар ким ўз ишини қилгани яхши эмасми? Ватанимизда ҳар йили кучга, шижоатга тўла, юзга яқин журналистлар, не-не орзу-умидлар билан олийгоҳни тамомлайди. Ўз касбининг

профессионал мутахассислари санъаткорлардан анчагина юқори даражада фаолият юритиши шубҳасиз. Чунки улар соҳанинг мутахассиси. Санъаткор кўрсатув ёки мақоланинг асл мазмун-моҳиятини тушуна-да, уни томошабинга, муштарийга қандай етказиш йўллариининг тартиб-қоидаларини бил-

лар. Қизиги шундаки, кўрсатувларнинг фақатгина номи хорижий тилда. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Кўрсатувларимизга ўзбек тилида ном топилмагани учун, хорижий тилга мурожаат қилинганми? Ёки бу унинг такрорланмас хусусиятини билдирадими? Яна санъаткорлар олиб бораётган кўрсатувларида шевага хос сўзлардан фойдаланади. Умуман, журналистиканинг қайси қонун-қоидада шевага хос сўзлардан фойдаланишга изн берилган? Бу соф ўзбек адабий тилига бўлган ҳақорат эмасми? Ахир, бола онгига энг кучли ва биринчи таъсир кўрсатадиган ОАВ бу телевидение-ку!

Бугун телевидениемиз тез ривожланмоқда, аммо хориж ҳаётига тақлид, бачканаллик, совун кўпигидек ёрилиб кетадиган муваффақият билан эмас, том маънода ҳалол рақобат, кучли билим, салоҳиятимиз билан юксалишимиз лозим. Буюк миллилатимизнинг буюк тарихини келажақ авлодларга бутунлигича тошширишимизда телевидениенинг ўрни, аҳамияти бекиёс. Ҳеч қачон ўзимизни, ўзлигимизни, ўзбеклигимизни унутмайлик!

Гулноза ЙЎЛДОШЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси



майди. Бу ҳеч кимга сир эмас.


Ўзбек тили сўзга жуда бой, жаҳондаги 40 та энг мукаммал саналган тиллардан бири ҳисобланади. Шунга қарамай, айни вақтда телеканалларимизда кўплаб ўзбек тилидаги кўрсатувларнинг номи хорижий тилларда номланади. Масалан, «Рестарт», «МТВ Невс», «Скетч шоу», «Дайжес», «Тўх Ковер Уп» ва яна бир қанча «Парти» ва ҳоказо-



Тошкентда биринчи модулли «боғча» очилди.

Талаба бўлармикиман?

Шу ўй ҳеч бошимни тарк этмасди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда тўрт сатр шеър ёздим дегунча, туманимиздаги тахририят томон шошардим. Бола эканман-да, ўй-хаёлга берилиб «Хали машҳур шоира бўлиб кетаман» дея синфдошларимга мақтанар, ижод намуналаримдан завқу шавқ билан айтиб берардим. Тахририятдагилар «Қалами ўткир ижодкор бўлгин, қизим» дея тилак билдиришарди. Балки ўзимга бўлган эндигина уйғонган ишонч мени ўшандаёқ журналистика соҳаси томон чорлагандир.



Мактабни битириб, коллежа йўл олдим. Буни қарантки, вақт тез ўтиб кетганини билмай қолибмиз. Оила аъзоларим банк соҳасида ўқишимни жуда хоҳлашди. Шу билан Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежида ўқидим. Бу соҳага қизиқмасам-да, мақсадим пойтахтдаги «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси»га бориб, ижодкорлар билан фикр алмашиш, бир давра бўлиб мушоираларда иштирок этиш эди. Минг шукрлар бўлсинки, шундай бўлди. Соҳада кўпгина устозлар дуосини олиш бахтига муяссар бўлдим.

Орзу-ҳавас, истак, буларнинг ортидан турли машаққат ва синовлар келар, биз эса бу йўлда тўхтаб қолмай, ҳаракатда давом этиб, кучли матонат ва сабримиз билан энгишимиз керак экан. Кун сайин шунга амин бўламан ва сабоқ оляпман.

Ҳамон эсимда...

Коллеждан чиқиб, таёрлов курсларига борадиган бўлдим. Олийгоҳга ўқишга киришга астойдил ҳаракат қилдим. Ота-онамга журналист бўлишимни айтганимда аввал қаршилик қилди. Негаки, банк соҳасини битириб, олийгоҳни ҳам шу йўналиш бўйича давом эттиришимни хоҳлашарди. Ҳайриятки, ундай бўлмади, улар ўзим қизиққан соҳа бўйича ўқишга топширишим учун имкон яратиб берди...

Нима бўлганда ҳам шу йил ўқишга киришим шарт эди. Иمتиҳон яқинлашгани сари юрагим гупура, кўрқув ҳам талайгина. «Агар ўқишга кирол-

масам, нима бўлади» деган ўй бир лаҳза бўлса-да бошимни тарк этмади. Кечалари уйқу берганда. Базида овқат ейишни-да унутиб қўяман. Ҳар гал онам билан гаплашганимда «сен умидимизсан, қизим! Астойдил ҳаракат қил!» дерди.

Дугоналарим бозордан янги туфли, сумка, кўйлак олганида, «мен олийгоҳга кириб, биратўла оларман» деган ўйда пулини китоб олиш-у, қўшимча дарсларга сарфлардим. «Ҳозир ўқишимдан чалғимайман» деб уй (ижарадаги уй)га кетардим. «Ўқиб, олим бўлармидинг, нима қиласан бошингни оғритиб, ундан бизга ўхшаб ёшлик гапни сурсанг бўлмайди», деган дугоналарим бўлди. Бунга эътибор бермасдан, дардан бўшашим билан республикамизнинг нуфузли тахририятларига борардим. У ерда иш ўрганардим. Устозларимдан мақола ва шеър ёзиш сирларини ўрганардим. Бирорта мақолам босилганда қувончим ўзимга сигмасди.

Орзу сари илк қадам

Рухиятимизни бошқара олсак, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам олдинга қараб интилсак, ташвишлар олдида эсанкирамасдан, ҳаракатларимизни сустлаштирмасак, бизни «тўлқинлар ютиб» кетмайди ва ҳаёт тўфониде адаштирмайди.

Коллежни тамомлагач, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ўқишга киришни қатъий ишонч билан мақсад қилдим. Бу мақсадим, иродам ва хоҳишим ошиб бораётганини кундан-кунта

ҳис этардим. Тенгдошларимга, ишонч билан «мен бу йил ўқишга кираман» дердим...

Аммо бу орзуим имтиҳонга кирганимда, тест варағидаги саволларни била туриб, уни ҳаяжондан нотўғри белгиланганим заҳотиёқ армонга айланишини тушундим. Хато қилганимни билиб, нажот истаб, назоратчиларга ёлвордим. Улар эса «бўлди қизим, энди ўзгартиганингни фойдаси бўлмайди», дея охириги умидларини ҳам пучга чиқарди. Гап шундаки, мен ишлаб бўлган саволларни бўяш чоғида блокларни, яъни фанларнинг жойини алмаштириб юборгандим.

Афсус, киролмадим. Ўша вақтда орзу-истаклар, мақсадларим ҳам, олдинга бўлган интилишим ва иродам ҳам сўнган эди. Айниқса, ота-онаминг кўзига қаролмай, йиллаб юборган эдим. Улар эса мени овутиш билан овора...

Ҳаммасига қўл силтаб, қишлоққа қайтдим. «Ўқишга киролмадим», деб қайтиб боришни тасаввур қилсам, юрагим орқага тортиб кетарди. Уйга қайтганимда онам: «Энг муҳими, биз сен биланмиз. Ҳаёт тўхтаб қолмайди. Ҳаммаси олдинда, ҳали ёшсан, бу йил бўлмаса, кейинги йил, албатта, кирасан», дея руҳий мадад берарди. Бироқ менга атрофдагилар «Ие, буни қаранглар, ўқишга киролмай қайтиб келибди», деб устимдан кулаётгандай туюлаверарди. Халпараст бўлиб қолдим...

Психолог Дэйл Карнегининг шундай сўзлари бор: «Биз тўқнаш келадиган энг катта муаммо фикрларимизни тўғри йўналишга солишдан иборат... биз муаммоларимиз билан машғул бўлишимиз керак-у, аммо улардан ташвиш тортмаслигимиз зарур».

Ёшлар бирор нимага эришишида катталарнинг дадаси ҳам жуда муҳим экан. Тахририятга ишлайдиган устозларимдан бири «ҳаёт ўзи шунақа, курашлардан иборат. Агар ҳаммамиз ниятимизга осонгина эришаверсак, унинг зигирча қадри қолмасди. Журналистика соҳасида ўқимокчи экансиз, бу касбни эгаллаш учун, журналистикада ўқиш шарт эмас. Демокриманки, назариялар ўз йўлига, сиз халққа яқин бўлинг» деган эди.

Супер контракт машмаси

Энди ўзимни қўлга олиб, яхшилаб таёрланиб, келгуси йил учун ҳаракатни бошлайман деб турганимда, ота-онам: «кейинги йилда ҳам ўқишга киролмасанчи, яна бир йил ютқазмасанчи-ку. Кел ундан кўра, супер контрактга ўқитамиз» дейишди. Мен қарши бўлдим. Шунча маблағ сарфлаб, оилани қийнаб, ўқитгандан ўқимасликни

афзал билдим.

Шундай кунларнинг бирида юртимизда фаолият бошлаган бир нечта чет эл олийгоҳлари ҳақида эшитиб қолдим. Бир дугона-Қозоғистоннинг «Қараганда университети» борлиги ва ўқув йили бошланган бўлса-да, қабул қилаётгани ҳақида айтиб қолди. Суюганимдан, шу йил талаба бўлиш учун, ҳатто, чет элда ўқишга ҳам рози эдим. Университетнинг Тошкентда бир фирмаси бор экан. Юзма-юз гаплашиб, ўқиш ҳақида маълумот олиш учун манзилига бордим. У ерда дарс жараёнлари онлайн тарзда бўлиши, хоҳласа, дарсни уйда ўтириб тайёрлаши ҳам мумкинлигини эшитиб, фикримдан қайтдим. «Диплом олсангиз бўлди-да» дейишгандан кейин умуман кўнглим чопмади.

Чет элда ўқисам бўлмасми?

Ҳар бир абутуриентнинг ягона орзуси — талаба бўлиш. Талаба бўлолмаганлар-чи?! Баъзи ёшлар билими етишмаслиги, баъзан эса омади келмагани сабабли, афсуски, талабалик бахтига эришолмаяпти. Бир марта омад чопмаганидан кейин яна китобларга кўмилиш, яна абутуриент бўлиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермаса керак. Кейинги йилга таёргарлик кўрди ҳам дейлик, яна омади келмас-чи? «Бўлмаса, супер контракт-да!» дейдиганлар ҳам бор. Менику ота-онам амаллаб ўқитяпти. Аммо қанчадан-қанча тенгдошларим молиявий жиҳатдан шароити бўлмагани боис, ўқиш орзуси бир четда қолиб кетяпти. Наҳотки, тест билимини кўрсатиб берса?

Ахир, қанча ўқишга қизиқмай туриб, тест имтиҳонларида «йўлини» қилиб, таваккал қилаётган ёшларимизнинг омади чопса-ю, бироқ неча йилдан бери борини китобга бериб, тайёргарлик кўраётган ёшлар ўқишга киролмай йиқилолқода. Айниқса, кўпчилик ёшларимизнинг онту шуурини «мен барибир ўқишга киролмас эканман», деган сўзлар қуршаб олади. Натижادا эса барчасига қўл силтаб чет элга ишлагани йўл олишади. Яна кимидир чет мамлакатларда имтиҳонсиз ва арзон контрактда ўқиш истаги туғилади. Кирсам, кирдим бўлмаса, Америкага кетаман дейдиганлар кўп.

Ҳилола исмди дугонам бор. У ҳам мен каби йиқилганди. Биласизми, контрактга киришга икки балл етмаган экан. Устозларнинг ҳам умиди катта, ўқишга грант асосида киришига ишонарди. Негаки, билими бошқалардан анча кучли эди...

Супер контракт тўлашга эса оиласининг имкони етмасди. Битта фарзанд бўлса ҳам майли орқасида синглиси, укаси бор. Уларга ҳам аллақачон навбат етган...

— Ўғил бола бўлганимда чет элга ўқишга топширардим, — дейди Ҳилола. — У ерда кириш осон, лекин ўқиш қийин. Бизда еса бунинг акси...

Талаба бўлиш — бахт

Бу орада холам ота-онаминг розилигини олиб, супер контрактда ўқишим учун шартнома олиб келибди. Хуллас, ўқишим аниқ бўлди-ю, мен Тошкентга яна бир бор жўнадим.

Ота-онам хурсандлигим, бахтимни ўйлаб, туну кун ишлаганга қарор қилишган! Бу ишонч-ни оқлаш учун боримни бериб ўқийман. Ўз устимда тинимсиз ишлаб, ота-онам орзусини рўёбга чиқараман. Лекин юзлаб, минглаб тенгдошларимда бундай имкон йўқ. Мақсад учун яна бошдан бошлаб, умрини ўтказмоқда. 10-15 йил эринмасдан, кетма-кет топшираётганлар ҳам бор экан...

Шундай қилиб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳа, ўша




ўзим истаган Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида.

Англаб етдимки, ҳар қандай шароитда иродамизни сақлашимиз ва уни йўқотмаслигимиз керак экан. Сабаби ирода инсон ҳаётининг мазмунини белгилаб берувчи муҳим омил. Мақсадга эришишга бўлган ишонч ироданинг муҳим кучи, бош мезонидир. Зеро, қатъий ишонч мақсад йўлидаги қийинчиликларни энгишга замин яратеди.

Ўқиб бошланганидаёқ билдимки, ҳали англашим, тушунишим, фикрлаб, таҳлил қилишим керак бўлган ҳаёт сабоқлари жуда кўп экан. Даҳоларимиз айтганларидек: тунда кўёб кўринмаяпти, деб кўзёш тўксанг, осмондаги беҳисоб юлдузларни ҳам кўролмай қоларкансан киши.

Эндигина биринчи босқични бошладим. Дардан бўшашим билан тахририятга югураман, тажриба ошираман. Умид қиламанки, устозларим, яқинларим кўмағида, албатта орзумга етишаман!

Гулҳаё ҲУСАНОВА,
«Жамият» маҳорат мактаби
тинловчиси



АҚШ Конгрессида Трампга нисбатан импичмент жараёни қонуний эканлиги маълум қилинди.



Микрокредитбанк АКБ жамоаси
мамлакатимиз аҳлини Конституциямизнинг
27 йиллиги билан қутлайди.



Юртимиз тинч,
дастурхонларимиз тўкин
бўлсин.

Шу фурсатдан фойдаланиб,
банк тизимида фаолият
юритаётган барча соҳа
ходимларини қомусий байрам
билан табриклаймиз.

«Кундан - кун
яхши»

янги омонат тури

17%

19%


21%



5 кундан
90 кунгача



 mikrocreditbank.uz
 mikrocreditbank.uz
 t.me/mikrocreditbank
 @mikrocreditbank

 71 202 99 99

Хизматлар лицензияланган



Нукусда бельгиялик профессор талаба-ёшлар билан учрашди.




Бекобод тумани Халқ таълими бўлими жамоаси

барча юртдошларимизни, қолаверса, таълим соҳаси жонкуярларини 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллиги билан табриклайди. Ҳар бир юртдошимизга фарзандлар камолини кўриш насиб этсин!



Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси:

— Шу кунларда юртимиз бўйлаб, Конституциямизнинг 27 йиллиги кенг нишонланмоқда. Асосий Қонунимиз билан олиб борилаётган ислохотларимиз самараси тараққиётимизда акс этиб турибди. Мана шу улуғ байрам билан мамлакатимиз аҳлини муборакбод этамиз. Соғлиқ, саломатлик ҳеч бир оилани тарк этмасин!



Халқаро фан олимпиадасида голиб ўқувчилар ва уларнинг устозларига пул мукофотлари топширилди.

«Худудгазтаъминот» АЖ «Худудгаз Тошкент» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*юртдошларимизни ва соҳа ходимларини
Бош Қомусимизнинг 27 ёши билан
табриклайди.*


*Жамиятимизда Конституциямизнинг
ўрни янада мустаҳкам бўлиб, халқимиз
фаровонлигига улкан ҳисса қўшаверсин!*



Тошкент вилояти «Сувоқова» Давлат унитар корхонаси жамоаси

*халқимизни
Конституциямиз қабул
қилинганига 27 йил тўлиши
муносабати билан самимий
муборакбод этади.*

*Бош Қомусимиз асосида
яратилган қонунларимиз
халқ манфаатига хизмат
қилаверсин!*



«Оила» маркази тадқиқотига кўра, ота-оналарнинг 45,2 фоизи болаларни жисмоний жазолаш мумкин деб ҳисоблайди.

«Сайлов қонунчилигига оид янгиликлар»

Мамлакатимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига ўтказиладиган сайлов арафасида турибди. Маълумки, сайлов мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотлар, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегия тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, аҳолининг сиёсий билим даражасини юксалтиришга қаратилган тарихот-ташвиқот ишлари самардорлигини янада юксалтиришга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, бевосита мулоқотлар, конференциялар, ўқув дарслари, танловлар, викториналар ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институтида ташкил этилган 438-сонли участка сайлов комиссияси ташаббуси билан Институтнинг «Маънавият ва маърифат маркази»да «Сайлов қонунчилигига оид янгиликлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Қайд этилганидек, Конституция



ямизнинг 117-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва

тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар».

Мустақил диёримизда сайлов қонунчилигида эса бир қанча ислохотлар амалга оширилиб, Сайлов кодексининг қабул қилиниши билан фуқароларга янада кенг қулайлик яратилди. Жорий йилнинг 22 декабрь кuni бўлиб ўтказилган сайлов жараёнларидаги барча муносабатлар эса Сайлов кодекси билан тартибга солинади.

Маълумки, Сайлов кодекси кучга киргунга қадар мавжуд бўлган

5 та қонунда, яъни Олий Мажлиса сайлов, республика Президенти сайлови, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонунларда жами 190 та модда мавжуд эди. Эндиликда улар тизимлаштирилиб, қайтарилди, такрорлар бартараф этилиб, 18 та боб, 103 моддалан иборат бўлган Сайлов кодекси қабул қилинди.

Кодексда аввалги қонунларда бўлмаган бир қатор алоҳида моддалар ўрин олди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати, участка сайлов комиссиясининг овоз беришдан олдинги фаолияти, участка сайлов комиссиясининг овоз бериш кунидagi фаолияти, сайловчининг турган жойида овоз бериш, участка сайлов комиссиясининг овоз бериш тугатганидан кейинги фаолияти, Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овоз беришни ташкил этиш, Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овоз бериш

тартиби, Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овозларни санаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлаш, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларни, хоналарни ва овоз бериш хоналарини жиҳозлашга доир талаблар шулар жумласидан.

Бу йилги сайловнинг аввалгиларидан энг муҳим фарқи жиҳатларидан бири унинг илк бор Сайлов кодекси асосида ўтказилишидир. Аҳамиятга молик жиҳати, кодексдан сайловларни умумэтироф этилган халқроқ стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ва шаффоф ўтказишга хизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги норма ва қоида жой олган. Амалда бўлган кўплаб чекловлар чиқариб ташланган. Яна бир муҳим янгилик — «Бир сайловчи — битта овозга эга» тамойилини таъминлаш мақсадида юртимиз миллий сайлов тизимига сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати татбиқ этилмоқда.

— Бундай тадбирларни ўтказилиши замирида ёшларнинг ҳам сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтириш ётади, дейди полковник Икромжон Сиддиқов. — Бу йилги сайлов қонунчилигидagi ўзига хос қулайликлар яратилгани тўғрисида ҳамда сайлов қонунчилиги бўйича билимларини янада ошириш, уларнинг сайловлардаги фаол иштироки мамлакатимиз тақдирини учун даҳддорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қиладди.

Тадбир давомида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилиди ва кўшимча тушунтиришлар берилди.

ФВВ Ёнгин хавфсизлиги институтини матбуот хизмати.

Эълон

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. 2019 йил 27 декабрь кuni соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Жарқўргон-нефть»АЖга қарашли бир неча турдаги кўчмас мулк бино иншоотлари мажмуа ҳолида кўйилмоқда.

1. Жарқўргон туман «Янгиобод» маҳалласи «Анахова» кўчаси 4-уйда жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 3700,0 кв.м бўлган Пажарни, Омборхона, Лаборатория, Архив биноларини мажмуа ҳолида.

Бошланғич баҳоси: 299 626 412 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб 2019 йил 25 декабрь соат 18:00 гача ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси, соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар **2019 йил 27 декабрь** кuni аукцион савдосида сотилмаса, ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси **2020 йил 13-28 январь** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилади.

2. 2020 йил 7 январь кuni соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидагилар кўйилади.

1. Қизириқ туман Заркамар ҚФЙ «Зарбдор» маҳалласида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 3,79 га бўлган Парандачилик комплекси бино иншоотлари мажмуа ҳолида.

Бошланғич баҳоси: 10 067 311 040 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб **2020 йил 6 январь** соат 18:00 гача ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулк **2020 йил 7 январь** кuni аукцион савдосида сотилмаса, ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси **2020 йил 20 январь, 5-20 февраль, 6-24 март, 8-23 апрель** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилади.

3. 2020 йил 8 январь кuni соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидагилар кўйилади:

1. Жарқўргон туман «Улуғбек» маҳалласида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 10 647,21 кв.м бўлган Какайди қуврлар омбори бино ва иншоотлари мажмуа ҳолида.

Бошланғич баҳоси: 902 668 292 сўм.

2. Жарқўргон туман «Улуғбек»

маҳалласида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 3 279,01 кв.м бўлган Какайди Электросех бино иншоотлари мажмуа ҳолида.

Бошланғич баҳоси: 467 378 784 сўм.

3. Жарқўргон туман «Янгиобод» маҳалласи Анахова кўчасида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 4500,0 кв.м бўлган Парк бино иншоотлари мажмуа ҳолида.

Бошланғич баҳоси: 522 891 967 сўм.

4. Жарқўргон туман «Янгиобод» маҳалласи Анахова кўчасида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 900,0 кв.м бўлган Меҳмонхона ва хўжалик бинолари мажмуа ҳолида.

Бошланғич баҳоси: 275 057 910 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб **2020 йил 7 январь** соат 18:00 гача ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри, С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар **2020 йил 8 январь** кuni аукцион савдосида сотилмаса, ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси **2020 йил 23 январь, 6-24 февраль, 10-25 март, 9-24 апрель** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан «Жарқўргоннефть» АЖнинг масъул хо-

димлари орқали танишишлари мумкин. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичидa сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб, томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишувига тузилгандан кейин, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдоридa «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83,

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия RR -0291.



Тошкентда ноширлик-матбаа коллежининг янгиланган биноси тантанали равишда очилди.

Устоз қачон ғалаба қозонади?

Улғайиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда мактабнинг ўрни катта. Мана шундай масъулиятли вазифани зиммасига олган ҳар қандай зиё тарқатувчи, аввало, ўқувчининг диққатини жалб қилиш билан ишни бошлайди.



бо-раётган бир вақтда, мактабдаги дарсларнинг сифатини ошириш устида кўпгина изланишлар олиб борилмоқда. Нафақат кўргазмалли курулларнинг ранг-баранглиги, балки замонавий технологиялар билан ҳам ўқувчининг дарсга бўлган қизиқиши янада ортмоқда.

Ҳар қандай соҳа вакили ўз касбининг чин дилдан севиб ва ўзи қилаётган ишдан лаззат олиши лозим. Бу гаплар, биринчи навбатда, ўқитувчиларга тегишли. Акс ҳолда болани орқасидан эргаштири олмайди.

Ўқитувчи нафақат ўзининг фани бўйича нашр этилган адабиётлар, балки бадий адабиётларни ҳам кўп ўқиши керак. Чунки сўз бойлигининг ошиб бориши ҳам устоз мақомидаги ҳар бир инсоннинг ютуғи саналади. Демокримизки, ҳар биримиз Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим»и каби жонқуяр бўлишимиз мақсадга мувофиқ.

Муҳаббат ЭРҒАШЕВА,
Самарқанд вилояти
Иштихон тумани
31-мактабнинг француз тили
ўқитувчиси

Чет тили фанларини ўқитиш бошқа фанларга қараганда машаққатлироқ кечиши ҳеч кимга сир эмас. Бироқ боланинг коммул инсон бўлиб вояга етиши учун дунёдаги мамлакатлар ва уларнинг урф-одатлари билан таништириш ҳамда ўзга мамлакатдаги тенгқурлари ютуқларидан хабардор этиб, келажакка бўлган ишончини ошириш лозим.

Ўқувчининг янада диққатини тортиш учун бошқа халқлар ва ўзбек халқининг ўртасидаги ўхшашликлар ҳамда тафовутлар ҳақида тўлиқ тушунча бериш лозим бўлади. Ҳар қандай миллат фақат донишмандликка, етуқликка интилиб яшаган. Масалан, французларда: «Le tamps est un bon professeur», яъни «Вақт яхши устоз» ёки «Un jour, vous pourrez dire: Ca n'a pas ete facile, mais j'ai reussi» — «Бир кун сиз дейсиз: бу осон бўлмади, аммо мен муваффақият қозондим». Ўқитувчи қачон ғалаба қозонади? Қачон-ки, ўқувчилар уни диққат билан эшитсагина. Мажбурдан эмас, қизиқишдан, фанга бўлган муҳаббатдан. Қайсики, устоз ўқувчиларнинг идеал (қумер)ига айлана олишидир. Мана шундай устозларимиз кўп бўлса, фарзандлар келажакдан хавотир олмас ҳам бўлади.

Кундан-кунга ҳар бир соҳа илғорлаб

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги «Республикада асаричиликни янада ривожлантириш чора-чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2018 йилда Ўзбекистон асаричилари уюшмаси ташкил этилиб, унинг йўналиш ва вазифалари белгилаб берилди.

«Асал байрами»



Ушбу қарорнинг самараси ўлароқ, шу кунларда пойтахтимизда 2-9 декабрь кунлари Ўзбекистон асаричилари уюшмаси ва АТ «Алоқабанк» томонидан республиканинг «Асал байрами» ва асаричилик маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

— Ярмарка доирасида барча вилоятларимиздан 300 дан ортқ асаричилик соҳасининг энг илғор вакиллари иштирок этмоқда, — дейди Ўзбекистон

аларичилари уюшмаси раиси Шерали Суярқулов. — Иштирокчилар ва уларнинг вакиллари учун асаричиликнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий семинарлар ташкил этилмоқда.

— 1997 йилдан буён асаричилик билан шуғулланман, — дейди тадбир иштирокчиси, «Зомин Асл Асал» хусусий корхонаси раҳбари Мурод Мадаминов. — 164 қути асаларидан йилга 3 тонна, 6 хил асал оламиз. Асаричиликка яратиб берилётган имкониятлар бу соҳа вакиллари учун жуда қувончли. Чунки ҳар қандай касбни чуқурроқ эгаллаш учун назарий билим ҳам керак ва бу ерда бўлиб ўтаётган семинарлар бизга катта дарс бўлмоқда.

Даврон АҲМАД,
«Жамият» муҳбири

Ўзимга ўхшаган содда қишлоғим!

Ижтимоий тармоқларни кузатаман: жанжал, норозилик. Чунки қиш келди. Газ йўқ, иссиқ сув муаммо, чироқ бир ёниб бир ўчади. Барчанинг оғзида шу гап. Деярли ҳар кун экран орқали бирон жойдаги мавжуд муаммо ўрганилади. Мутасаддилар билан учрашув ўтказилади. Лекин фойдаси... Муаммоларнинг деярли 70 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади.



Эҳ, ўзимга ўхшаган содда қишлоғим, сен қачон гоз турасан? Сенинг камчиликларингни ўйлаб, бағрим эзилади. Ёзмасам бўлмасди. Бугун дунёқарашим ўзгармоқда. Ҳаётга янгича қараш, замонавийлик, миллийлигимизга хос ҳақиқат — мана шундай хислатларни ўзимга жо қилишга уринмоқдман. Бугун онгимга креативлик, ҳолислик, ҳаққонийлик сифатлари кириб келмоқда.

Бизнинг қишлоқ Нурдум деб аталади. Узун сойликда жойлашган. Катта кўчаларимиздан бири тошлоқдан иборат йўл. Ёзда машиналар қатновиди чангиб ётади. Қишда эса қўлмакчалар ҳосил қилиб қолади. Қишқаси, ўша йўл лойқа йўлга айланади, қолади. Туман марказига олиб борадиган асфальт йўлни ҳам талаб даражасига жавоб бериши учун қайтадан қуришга тўғри келади. Бизда газ қувурларининг қачон йўқолиб кетганини эслолмайман. Аҳоли ҳали-ҳамон тепаликнинг устига чиқиб, телефонда алоқа қилишади. Қишлоғимиз битта алоқа антеннасига муҳтож. Мактаб қишда тўлиқ исмайди. Совуқ кунлар ўқувчилар кам муддат мактабда бўлишади. Республикада спорт зали йўқ камёб ўқув даргоҳларидан бири бизнинг мактаб бўлса керак. Бизда спорт комплекси таг-туғи билан йўқ. Ичимлик сувидан муаммо йўқ. «Биз сувни сотиб оламиз» деган гап айрим кишиларга тегишли ҳолос. Аммо ҳақиқатда эса аҳолимизнинг 80 фоизи истеъмолга яроқсиз қудуқ сувидан фойдаланишади.

Республикамиздаги минглаб қишлоқлардан юқоридагиларга кўплаб шикоятлар берилётган бир пайтда, менинг ўзимга ўхшаган содда қишлоғим жим-жит.

Шу ердан яқин ўрталарда нафақат қишлоғини, балки тумани, вилояти, юртини ўйлайдиган ёшлар етишиб чиқажак. Қишлоғимга четдан қарасангиз, шунчалар гўзал, аммо ичини кемираётган бир талай нуқсонлари бор.

Жамшид АМИРОВ,
ЎЗЖОКУ талабаси

Б-ҲАВО	
6 декабрь	+8°C
7 декабрь	+5°C
8 декабрь	+14°C
9 декабрь	+2°C
10 декабрь	+15°C
11 декабрь	+2°C
12 декабрь	+16°C
13 декабрь	+7°C
14 декабрь	+16°C
15 декабрь	+5°C
16 декабрь	+15°C
17 декабрь	+5°C
18 декабрь	+12°C
19 декабрь	+4°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихоннов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-1214 Адади: 1403.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табак. Баҳоиси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА ақуни:
Топширилган вақти: 23:25
1 2 3 4 5



Ўзбекистонда БМТнинг ОИВ/ОИТСга қарши кураш бўйича қўшма дастури ваколатхонаси очилди.